

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВА ДИЛДОРА АБДУРАХМОНОВНА

**САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИНИ
РЕСУРС ТЕЖАМҚОРЛИГИ АСОСИДА
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Курбанова Дилдора Абдурахмоновна

Саноат корхоналарини ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорлигини ошириш.....3

Курбанова Дилдора Абдурахмоновна

Повышение экономической эффективности промышленных предприятий на основе ресурсосбережения.....25

Kurbanova Dildora Abdurakhmonovna

Enhancing economic efficiency on the base of resource conservation in the industrial enterprises.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....52

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
№DSc. 03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВА ДИЛДОРА АБДУРАХМОНОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИ
РЕСУРС ТЕЖАМКОРЛИГИ АСОСИДА
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

08.00.03 – Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда табиий ресурслар чекланганлиги шароитида саноат, айниқса қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида ресурстежамкор ва чиқитсиз технологияларга ўтишни янада кенгайтириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, замонавий технологиялар асосида иккиламчи ва бошқа ресурсларни ишлаб чиқариш оборотига жалб қилишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада темирбетон маҳсулотлари сегменти алоҳида аҳамият касб этади. «2019 йилда дунё цемент ва темирбетон маҳсулотлари бозорининг умумий қиймати 439,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, цемент ва темирбетон маҳсулотларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 2019 йилда 2014 йил билан солиштирганда 7%ни ташкил этди»¹. Шу жиҳатдан бугунги кунда қурилиш материаллари, жумладан темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ресурсларда самарали фойдаланишга долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда саноат корхоналари фаолиятида бирламчи хомашё, ресурс ва материаллардан тежамкорлик асосида самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва уларни йўқотишни камайтириш, қайта ишлаш, чиқитларнинг минимал даражасига эришиш, чиқитлардан саноат ва маиший эҳтиёжлар учун қайта фойдаланиш имкониятларини яратиш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Саноат 4,0» концепциясини ишлаб чиқиш, темирбетон ишлаб чиқариш саноатини замонавий талаблар асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, улар рақобатбардошлигини рақамли ва инновацион технологиялар асосида таъминлаш, ҳаражатларни камайтириш ва унумдорликни ошириш, ресурс тежамкорлигига асосланган механизмларни такомиллаштириш масалаларига устувор мавзулар сифатида қаралмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, урбанизация жараёнининг чуқурлашуви, аҳоли учун турар-жой объектларининг кенг кўламда бунёд этилиши, инфратузилма элементларини янада кенгайтириш ва ободончилик ишларини изчил амалга оширилиши натижасида темирбетон маҳсулотлари (ТБМ)га бўлган талабнинг кескин ортиши шароитида замонавий технологияларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. ... Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини тадбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарур»². Бу борада темирбетон маҳсулотлари

1. Cement And Concrete Global Market Opportunities And Strategies To 2022 Report. <https://www.globenewswire.com/news-release/2019/09/19/1918072/0/en/Analysis-on-the-Global-652-Billion-Cement-Concrete-Market-2019-2022.html> .Мурожаат санаси 05.02.2020

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 29.12.2020.

ишлаб чиқариш корхоналарида экологик хавфсизликни таъминлаш асосида ресурслардан самарали фойдаланиш, иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқариш оборотига жалб этиш, прогноз кўрсаткичларнинг аниқлик ва мақсадга йўналтирилганлик даражасини ошириш каби йўналишларда илмий изланишлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини, хусусан маҳсулот таннархининг салмоқли қисмини ташкил этувчи моддий ресурсларни тежашнинг долзарб масалаларига назарий ёндашувлар хорижий олимлардан: Р. Коуз, С.Самуэльсон, Ж.Стиглиц, И. Блауберг, Л.Берталанфи, Ж.Гин, Т. Купманс, В. Немчинов, У.Эшби³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан Р.А.Фатхудинов, А.А.Байгулова, А.А.Черенцова, В.В.Стафиевская, С.А.Черный, С.В.Волкова., В.С.Геворкян, Э.М.Лисс, А.С.Попов, Н.А.Кузнецова, Е.С.Кононенколарнинг⁴ илмий

³ Р. Коуз. Природа фирмы. «Economica» N.S.1937.Vol#4. Сб.»Фирма, рынок и право» (Нью – Йорк, 1991.)37-с. S.Samuelson «Economy and ways to economize in it» Sourbourpress Washington 1987.68-бет, Стиглиц Ж. //Экономика и экономия. Директмедиа, Москва 2007, I. Blauberg «Resource conservation is the key factor of production competition» – New York, Macmillan Company. p.35-40, Берталанфи Л. Пути сбережения экономических ресурсов // Инвестиции в России., 2000 - №3 65стр. J. Geene «Doctrines of resource efficiency», // Economic logic. – 3rd ed. Washington Capital Press. 2010/ 35р. Купманс Т. Опыт экономии ресурсов развитых стран//Байкальский экономический журнал, 2017. №4, 58стр. Немчинов В. Вопросы ресурсосбережения, Ростов н/Д. Феникс, 2010. 34стр. Eshby U. The efficient resource allocation is a consequence of production //American economic review. Vol#4, 34р.

⁴ Фатхудинов Р.А. Качество и ресурсосбережение – ключевые факторы.-М.: Современная конкуренция, 2013.-157с.; Байгулова А.А. Экономика ресурсосбережения. Ульяновск-2014, уч.пос. 81с.; Черенцова А.А.

ишларида саноат тармоқлари корхоналарида ресурс тежамкорлигининг назарий ва амалий аҳамиятга эга жиҳатлари ёритиб берилган.

Ресурс тежамкорлигининг назарий ва амалий масалалари, ресурс тежамкорлиги муаммолари мамлакатимиз олимларидан С.С. Ғуломов, Ш.Ш.Шодмонов, М.А.Махкамова, С.Н.Хашимова, С.С.Саидмурадов, Б.А.Холматов, А.Раджабов, Р.Р.Хасанов, Г.Ж.Аллаева, К.М. Хурсандовларнинг⁵ илмий ишларида ресурс тежамкорлигининг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилиб, ишлаб чиқариш ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг тежамкорликка таъсири тадқиқ этилган.

Аммо мазкур илмий-тадқиқот ишларида рақамли иқтисодиётни шаклланиши шароитида инновацион технологияларни қўллаш асосида ресурс тежамкорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий жараёнлари етарлича ўрганилмаган. Мазкур муаммоларнинг долзарблиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу тадқиқот заруратини белгилаб берди.

Диссертация мавзунинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №Ф2-100 «Ўзбекистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиши ва рақамли иқтисодиёт шароитида ресурслардан самарали

«Энерго и ресурсосбережение». Уч.пос-Хабаровск: Изд.Тихоокеанского гос.университета 2018.-125с.; Стафиевская В.В. и др.. Методы энерго и ресурсосбережения. Уч.пос. Красноярск-2008.-425с.; Черный С.А. Эколога – экономическая эффективность переработки металлургических отходов: дисс.канд.экон.наук –М.: 2009.-143с.; Волкова С.В.Инновационно-инвестиционное обеспечение ресурсосбережения в промышленности: автореф.дисс.канд.экон.наук.–М.:2010.-26с.; Геворкян В.С.Управление ресурсосбережением как фактор повышения конкурентоспособности предприятия: автореф.дисс.канд.экон.наук.– М.:2003.-26с.; Лисс Э.М.Ресурсосбережение как фактор социально – экономической эффективности производства: автореф.дисс.канд.экон.наук.–М.:1999.-26с.; Попов А.С. Резервы ресурсосбережения на машиностроительных предприятиях: автореф.дисс.канд.экон.наук.–С.:2006.-26с.; Кузнецова Н.А. Формирование и функционирование ресурсосберегающего механизма промышленного предприятия: автореф.дисс.канд.экон.наук.–С.Пт.:2004.-28с.; Кононенко Е.С. Ресурсосберегающее воздействие интеграционной функции логистики на металлопотребление: На примере сельхозмашиностроения Ростовской области: автореф.дисс.канд.экон.наук.–Р.н.Д.:2010.-23с.

⁵ Гулямов С.С и др.. Возобновляемые источники энергии Узбекистане.// «Проблемы и перспективы развития России: Молодежный взгляд в будущее», М.:2020, 190-193б, Шодмонов Ш.Ш. Тежамкорлик ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг муҳим йўналишидир. «Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари» республика илмий-амалий анжумани, ТДИУ – 2019. 23-б.; Махкамова М.А. Перспективные технологии в электроэнергетике – основа энергосбережения и энергетической безопасности Узбекистана.//Спец.выпуск журнала «Проблемы энерго- и ресурсо-сбережения». Тошкент,2019.-Б.208-212; С.Н.Хашимова «Ресурсосбережение материальных ресурсов в черной металлургии. «Тежамкорликнинг концептуал асослари ва унинг ижтимоий-иқтисодий шарт шароитлари» мавзусидаги илм.амал.конф., ТМИ-2019, 130-131-б. С.Саидмурадов, К.А.Дадабаев, Д.М.Муҳиддинов «Ресурсосбережение» Ташкент – Молия 2002; Холматов Б.А. Тежамкорликнинг назарий асослари ва амал қилиш механизми: иқт. фан. номз. дисс. –Т.:2008,-183б.; Rajabov A. The problems of energy efficiency in extracting fat and oils from cotton seeds and their sufficient solutions. //Ирригация ва мелиорация №4 (10).-Тошкент,2017, 44-51б; Хасанов Р.Р. Тежамкорлик ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг бош шарт. «Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнида ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришнинг методологик асослари» республика илмий – амалий анжумани, ТДИУ-2019. 57-б.; Аллаева Г.Ж. Потенциал использования возобновляемых источников энергии в Республики Узбекистан//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар №4,-Тошкент,2016.9б. Хурсандов К.М. Реал сектор корхоналарининг ресурс тежамкорлигини таъминлаш асосида иқтисодий хавфсизлигини мустақамлаш. «Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари» респ. илм.-амал. конф.Т.-2019. 87-б.

фойдаланиш ва унинг шаклланиш механизмларини йўлга қўйишнинг илмий асослари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли иқтисодий ривожлантириш шароитида Ўзбекистон темирбетон саноати корхоналарида ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инновацион иқтисодий ривожланиши шароитида саноат корхоналарини ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорлигини оширишга доир мавжуд илмий-назарий ёндашувларни таҳлил этиш;

саноат корхоналари, жумладан темирбетон ишлаб чиқариш корхоналарида ресурс тежамкорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни таснифлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

темирбетон ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишда ресурстежамкор техника-технологиядан фойдаланилганлик даражасини тадқиқ этиш ҳамда ресурс тежамкорлигига таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқариш омилларининг таснифини шакллантириш ва таҳлил қилиш;

темирбетон ва қурилиш саноати корхоналарида ресурс тежамкорлигига йўналтирилган моддий-техник база, ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулотларни конструкцион такомиллаштирувчи фондларни модернизациялаш чора-тадбирларнинг йўналишларини аниқлаш;

ресурс тежамкорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда саноат корхонасида ортиқча чиқитларсиз ишлаб чиқариш, ускуна, материал ва ресурслардан тежамкорлик асосида ишлайдиган инновацион технологияларни қўллаш асосида бевосита таъсир этувчи ресурслар тизими таҳлилин амалга ошириш;

саноат корхоналарида ресурс тежамкорлигини таъминловчи ва моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни, яроқсизлик ва йўқотишларни қисқартиришга асосланган ҳисоб-китоб услубиётини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

темир-бетон саноати корхоналарида ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, республикада темир-бетон ва қурилиш маҳсулотлари саноати тармоғида фаолият олиб бораётган Қўйлик кўприклар темир-бетон қурилмалари тажриба заводи (Қўйлик КТҚТЗ)нинг самарали ривожланишининг ресурс тежамкорликка асосланган фаолияти танланган.

Тадқиқотнинг предмети тежамкорликни ошириш ва самарали хўжалик юритишни таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб боришда илмий кузатув, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, таққослаш ҳамда эконометрик моделлаштириш, умумлаштириш ва гуруҳлаш, қиёсий ва динамик таҳлил, илмий ва башоратлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш асосида тегишли иккиламчи ресурсларни майдалаш негизида уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш асослаб берилган;

циркуляр иқтисодий тизим шароитида темирбетон маҳсулотларидан фойдаланишда маҳсулотларнинг бирламчи ҳаёт даври тугагандан сўнг уни иккинчи марта йирик ва майда тўлдирувчи ҳамда асл кўринишидаги блоклар ёки майда блоклар сифатида қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

темирбетон ишлаб чиқариш корхонасининг прогноз кўрсаткичлари умумий таннарх асосида баҳоланиши истиқболда ресурссифимлилик, даромад, иш ҳақи фонди, асосий фондлар қиймати каби кўрсаткичларнинг оптимал шаклланишига хизмат қилиши асослаб берилган ва унинг эконометрик модели ишлаб чиқилган;

маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларни оптимал тақсимотини самарали ташкил этишда Қўйлиқ КТҚТЗда махсус мутахассис бирлигини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

темирбетон сегментида иккиламчи ресурслардан қайта фойдаланиш ва моддий ресурсларни қайта ишлаш тамойили асосида ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш негизида корхоналарда ресурс сифими кўрсаткичлари тизимини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

темирбетон маҳсулотлари таннархини пасайтиришга қаратилган ҳамда ресурс тежамкорлигини таъминловчи ва моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ҳамда яроқсизлик ва йўқотишларни қисқартиришга асосланган ҳисоб-китоб услубиёти рақамли иқтисодиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

темирбетон корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилувчи ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

темирбетон корхоналари фаолияти иқтисодий самарадорлигини оширишга йўналтирилган ортиқча чиқитларсиз ишлаб чиқариш, ускуна, материал ва ресурслардан тежамкорлик асосида амалга оширилувчи ресурс тежамкорлиги жараёнини ташкил этишнинг алгоритми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва қўлланилган ёндашув ҳамда усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, статистик маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилиб, натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соҳада иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш ва прогноз кўрсаткичлари

аниқлик даражасини ошириш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияларнинг темирбетон корхоналари иқтисодий салоҳиятини оширишда ресурс тежамкорлиги жараёнини ташкил этишнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда асосланган амалий таклиф ва тавсиялардан темирбетон корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинувчи қарорлар ҳамда темирбетон сегментини ҳудудий ва тармоқ даражасида истиқболли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, тармоқлараро инновацион ривожланиш стратегияларини шакллантиришда, соҳага оид мақсадли илмий изланишларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш асосида тегишли иккиламчи ресурсларни дробиллаш ва майдалаш негизида уларни қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича таклифлар Қўйлик КТҚТЗ фаолиятига жорий қилинган. (Автомобил йўллари давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхонанинг 2020 йил 23 мартдаги 45/78523-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни қўллаш корхонада 91 млн. сўмлик ресурс тежамкорлигини таъминлаш имконини берган;

циркуляр иқтисодий тизим шароитида темирбетон маҳсулотларидан фойдаланишда маҳсулотларнинг бирламчи ҳаёт даври тугагандан сўнг уни иккинчи марта йирик ва майда тўлдирувчи ҳамда асл кўринишидаги блоклар ёки майда блоклар сифатида қўллашнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари қўмитаси таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Автомобил йўллари қўмитасининг 2020 йил 16 июлдаги 98/14562-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш натижасида қўмита корхоналарида 5% ресурс тежамкорлигини таъминлаш имконини берган;

темирбетон ишлаб чиқариш корхонасининг прогноз кўрсаткичлари умумий таннарх асосида баҳоланиши истиқболда ресурсифимлилик, даромад, иш ҳақи фонди, асосий фондлар қиймати каби кўрсаткичларнинг оптимал шаклланишига хизмат қилиши бўйича таклифлар Қўйлик КТҚТЗ фаолиятида қўлланган (Автомобил йўллари давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхонанинг 2020 йил 23 мартдаги 45/78523-сонли маълумотномаси). Ушбу моделни қўллаш асосида ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг прогноз модели бўйича таклифлар 2021-2025 йиллар учун ҳисоб-китоб ишларида ва режа кўрсаткичларини шакллантиришда корхонада 5% лик иқтисодий тежамга эришилган.

маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ресурсларни оптимал тақсимотини самарали ташкил этишда махсус мутахассис бирлигини жорий этиш таклифи Қўйлик КТҚТЗ амалиётига жорий этилган (Автомобил йўллари давлат қўмитаси таркибига кирувчи корхонанинг 2020 йил 23 мартдаги

45/78523-сонли маълумотномаси). Жорий таклифларни тадбиқ этиш натижасида ресурслардан фойдаланишда 4,5 % лик тежамга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши Тадқиқот ишининг мавзуси бўйича жами 10 та, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 8 та мақола миллий ва 2 та мақола хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, муаллиф томонидан нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Саноат корхоналарини ресурс тежамкорлиги асосида иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида тежамкорлик ва иқтисодий самарадорлик тушунчаларининг назарий асослари, ресурс тежамкорлигига таъсир кўрсатувчи омиллар таснифи, ресурс тежамкорлигининг иқтисодий-экологик жиҳатлари ва темирбетон корхоналарида улардан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ қилинган.

Тежамкорликка дастлабки таърифлар классик таълимот намоёндалари А.Смит, Ф.Кене, Д.Рикардоларнинг⁶ асарларида уй хўжалиklarининг иқтисодий барқарорлигини таъминловчи асосий иқтисодий категория сифатида, кейинчалик, замонавий иқтисодчилар томонидан тежамкорликни амалга оширишни барқарор иқтисодий ривожланиш ҳамда ресурслар тақсимоли ва истеъмоли даражасини оптимал чегараларини белгилаб берувчи устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Ресурс тежамкорлиги эса моддий-техник, меҳнат, молиявий, табиий ва бошқа ресурслардан рационал фойдаланиш асосида минимум харажатлар билан энг яхши сифат кўрсаткичларига эга маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдир. Демак, ресурс

⁶ Смит А.. Исследование о природе и причинах богатства народов. Изд. Социально – экономической литературы. Москва -1962. Стр.442; Кене Ф.. Избранные экономические сочинения. Перевод А.В. Горбунова, Ф.Р. Каплан, Л.А.Фейгиной. М: Директмедия Паблишинг – 2008. 141-стр. 324-стр.; Рикардо Д.. Сочинения.Начала политической экономии и налогообложения. Гос.изд. политической литературы. Москва 1955, стр.33.

тежамкорлиги-бу энг минимал ресурслар сарфи билан муайян стандартдаги товарларнинг сифат, техник ва қиймат тавсифларига путур етмаган ҳолда маҳсулот ярата олиш қобилиятидир, бунда бирламчи ресурслар сарфи билан яратилган ва ресурс тежамкорлиги асосида яратилган маҳсулотларнинг истеъмол қиймати бир хил бўлиши лозим⁷.

Ресурс тежамкорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш билан бир қаторда ресурс тежамкорлигига таъсир кўрсатувчи иқтисодий қонунларни тадқиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий қонунларнинг моҳияти ва ишлаш тамойилларини инобатга олган ҳолда ресурс тежамкорлиги чоратадбирларини ишлаб чиқиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларнинг олдини олишни кўзда тутди. Тадқиқот ишида муаллиф томонидан ресурс тежамкорлигини моддий ресурслар асосида амалга оширишнинг самарадорлик имкониятлари тадқиқот ишининг объекти бўлган темирбетон корхоналари фаолияти мисолида ўрганилиб, шакллантирилган.

Фикримизча, ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи моддий ресурсларни тежашнинг асосий манбалари таркибий тузилмаси атрофлича ўрганилиб, таҳлил қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир, негаки таркибий қисмларнинг таҳлили ушбу жараёнда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатиб беради. Тадқиқот ишида темирбетон корхонасининг моддий ресурсларини тежаш манбаларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш орқали аниқланди: технологик гуруҳ, конструкцион гуруҳ, ташкилий-иқтисодий гуруҳ (1-расм).



1-расм. Моддий ресурсларни тежашнинг асосий манбалари⁸


Муаллиф томонидан келтирилган тизимлаштириш асосида моддий ресурслар манбаларини тадқиқ этиш ишлаб чиқариш қуввати, моддий-техник база, маҳсулотларнинг конструкцион такомиллаштириливи ва ортиқча

⁷ Муаллиф ёндашуви.

⁸ Муаллиф ишланмаси

чикитларсиз ишлаб чиқариш, ускуна, материал ва ресурслардан тежамкорлик асосида фойдаланиш, янги ихтиро ва ишлаб чиқариш фондларини янада модернизациялаштириш, моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ҳисоб-китоби услувиётини такомиллаштириш имконини бериши асослаб берилди.

Бизнинг фикримизча, саноат корхоналарида ресурс тежамкорлиги чоратадбирларини ишлаб чиқишда яна бир муҳим йўналиш – ишлаб чиқариш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш асосида атроф-муҳитга салбий таъсирнинг олдини олиш, табиатнинг ифлосланиши ҳамда атмосферага ажралиб чиқётган чиқинди ва CO₂ газининг ҳажмини камайтиришга қаратилган, шунингдек, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан юзага келувчи экологик муаммоларни бартараф этиш масалаларини янада такомиллаштириш лозим.



2-расм. Ресурс тежамкорлигига асосланган лонгрид иқтисодий-инструментар механизм⁹

⁹ Муаллиф ишланмаси

Тадқиқот ишида Қўйлик КТҚТЗ нинг ишлаб чиқариш циклида ресурслар ҳаракатини рационал ташкил этиш жараёнида нафақат корхона хўжалик фаолиятини қамраб олувчи, балки атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашни ҳам кўзда тутувчи ресурс тежамкорлиги асосидаги лонгрид иқтисодий-инструментар механизм тақомиллаштирилди (2-расм).

Юқоридаги лонгрид иқтисодий-инструментар механизм асосида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида юзага келувчи жараёнларнинг ҳар бири кетма-кетликда тадқиқ этилиб, ҳар бир босқичда амалга оширилувчи чора-тадбирларнинг аҳамияти изоҳлаб берилди. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш асосида тегишли иккиламчи ресурсларни блоklar, балкалар, ригеллар, бордюрлар, сваяларни майдалаш негизида уларни қайта ишлашни йўлга қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган. Қўйлик КТҚТЗ фаолиятига мазкур иқтисодий-инструментар механизмни қўллаш натижасида 91 млн. сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди. Натижада, амалга оширилган чора-тадбирлар корхона ресурс захираларининг сақлаб қолинишига, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг камайишига ҳамда имтиёзлар ва ресурстежамкорлиги тадбирлар ҳисобига корхона иқтисодий фаолияти барқарорлигининг ошиши асослаб берилди.

Диссертациянинг «**Технологик модернизациялаш жараёнида Ўзбекистон қурилиш саноатида темирбетон корхоналари ривожланишининг замонавий ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон қурилиш саноатининг ҳозирги ҳолати, қурилиш саноатининг таркибий бўлаги-темирбетон саноатининг ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган, соҳа корхоналарининг жорий ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ва улар мисолида Қўйлик КТҚТЗ нинг ресурс тежамкорлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнининг ташкилий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили олиб борилган, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида темирбетон корхоналари фаолиятида қўллаш учун ресурс тежамкорлиги стратегияси ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз қурилиш саноатининг темирбетон сегменти етакчи тармоғи бўлиб, 2019 йилда цемент, бетон ёки сунъий тошдан ясалган блок, ғишт ва қурилиш воситалари, черепицалар, плита, бино ва иншоотлар учун йиғма конструкция элементлари ва бошқа ТБМ умумий ҳажмда 3116,303 минг тонна ишлаб чиқарилган ва ўсиш суръати 2018 йилга нисбатан 104% ни ташкил этган. 2019 йилда ТБМ турлари бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 1568 тани ташкил этган ёки ўтган йилга нисбатан 7%га ошган. Шуниндек, 2016 – 2019 йилларда экспорт улуши ишлаб чиқарилган ТБМ нинг ҳажмида ўзгаришсиз (27%) қолган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган темирбетон маҳсулотлари ҳажми динамикаси (минг тонна ҳисобида)¹⁰

| ТБМ турлари | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2019 /2014 нисбатан % да |
|---|---------|---------|----------|----------|---------|---------|--------------------------------|
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан ясалган блок, ғишт ва қурилиш воситалари | 880,45 | 880,08 | 907696,3 | 2155,016 | 1,585 | 2,449 | 278% |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан ясалган черепица, плита ва бошқа маҳсулотлар | 190,14 | 149,97 | 267,4 | 118,690 | 136,214 | 0,214 | 112% |
| Цемент, бетон ёки сунъий тошдан ясалган бино ва иншоотлар учун йиғма конструкция элементлари ва бошқа маҳсулотлар | 1587,18 | 1949,82 | 231,442 | 2790,264 | 2826,49 | 2968,49 | 187% |
| Юқоридаги гуруҳларга киритилмаган цемент, бетон ёки сунъий тошдан ясалган маҳсулотлар | 229,89 | 124,21 | 111,351 | 142,80 | 142,09 | 145,15 | 63% |

ТБМ ва қурилмаларини ишлаб чиқаришда республиканинг етакчи саноат корхонаси бўлган Қўйлик КТҚТЗда 2019 йилда 2018 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш суръати 117%ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Қўйлик КТҚТЗда ишлаб чиқарилувчи асосий темир-бетон конструкцияларнинг турлари ва уларнинг ҳажми (м³ ҳисобида)¹¹


| Маҳсулот турлари | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2019/ 2015 йилга нисбатан %да |
|---|---------|---------|---------|---------|---------|-------------------------------------|
| Тахминий тарангликдаги ичи бўш плиталар | 8607,2 | 5986,5 | 6127 | 4392 | 9614,3 | 112% |
| Тахминий тарангликдаги икки тарафли балкалар | 1845 | 1818,8 | 2959,4 | 1207,3 | 2265,4 | 123% |
| Кўприк сваялари | 4069,7 | 3090,2 | 4347,3 | 2951,9 | 5939,3 | 146% |
| Автомобил йўллари учун темир бетон таг қатламлари | 608,5 | 240,6 | 335,6 | 1371,8 | 1596,2 | 262% |
| Автомобил йўлларини ободонлаштириш элементлари | 34823 | 29635 | 20465,5 | 27091,6 | 21838,6 | 63% |
| Ригеллар | - | 95,1 | - | - | 9,5 | 9% |
| Деворлар учун тиргович блоклари | 330,5 | 147,3 | 434,6 | 165,5 | 447,1 | 135% |
| Маҳсулотнинг умумий ҳажми | 50283,9 | 41013,5 | 34669,4 | 37180,1 | 41710,4 | 83% |

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилда Қўйлик КТҚТЗда ривожлантириш бўйича барча молиялаштириш ишлари корхонанинг ўз ички манбалари ҳисобидан амалга оширилган. Таҳлил қилинаётган йиллар (2015–2019 йиллар) мобайнида корхонада харажатлар кескин ошган ва бу маҳсулот

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹¹ Қўйлик КТҚТ Заводи маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

таннархини ошишига сабаб бўлган. Харажатлар асосан корхонанинг моддий-техник базасини модернизация қилиш ҳисобга амалга оширилган.



3-расм. Қўйлик КТҚТЗ иқтисодий рентабеллиги даражаси¹²

Таҳлиллар натижасида, 2011-2019 йиллар оралиғида энг паст ишлаб чиқариш рентабеллиги 2013 йилда (0,3%) қайд этилганлигини ва юқори рентабеллик нуқтасига 2017 йилда корхона томонидан эришилганлигини аниқланди ҳамда жорий йил учун юқори суръатлардаги ишлаб чиқариш ҳажми катта иқтисодий самарадорликнинг асосий сабаби сифатида намоён бўлди. Сўнгги йилларда корхона балансидаги қозонхоналарни модернизациялаш учун янги буғ қозонларининг харид қилиниши натижасида 2019 йилда корхона даромадларининг сезиларли қисми шу мақсадда сарфланганлиги ва корхонанинг иқтисодий барқарорлик коэффиценти бирмунча пасайганлиги аниқланди (3-расм).



4-расм. Циркуляр иқтисодий тизимнинг таркибий тузилмаси¹³

¹² Қўйлик КТҚТЗ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

¹³ Муаллиф ишланмаси

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан таклиф этилган ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда таркибий жиҳатдан қуйидаги масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқлиги аниқланди:

корхона фондларининг техник-технологик модернизацияси;
корхонанинг молиявий ҳолати бўйича аудитинг; мавжуд дебиторлик қарзларини камайтириш/ундириш, инвестицияларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

корхона фаолиятини ривожлантиришга тадбиқ қилиниши кутилаётган инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;


бошқарув тизимининг оптимал тузилмасини ишлаб чиқиш;

корхонанинг бозордаги ўрнини яхшилаш ва рақобатчилар устидан устунлик берувчи имкониятларни ишлаб чиқиш;

умумий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш.

Фикримизча, ресурс тежамкорлиги стратегиясини шакллантиришда тадқиқот ишида таклиф этилган циркуляр иқтисодий тизим ғояси асосида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. ТБМнинг қайта ишлаш/қайта ишлаб чиқариш/қайта фойдаланиш имкониятларининг юқорилигини инобатга олиб, циркуляр иқтисодий тизим асосида ресурс тежамкорлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятлари асосланди (4-расм).

Циркуляр иқтисодий тизим-саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ресурс ва материаллардан қайта фойдаланиш/қайта ишлаш/қайта ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи унсурлар йиғиндисиди бўлиб, маҳсулотларнинг бирламчи ҳаёт даврини узайтириш асосида уларни ишлаб чиқариш жараёнига қайта жалб этиш ғоясини илгари суради.



5-расм. Темирбетон корхоналари фаолиятига жорий этилувчи циркуляр иқтисодий тизим стратегияси¹⁴

¹⁴ Муаллиф ишланмаси

Циркуляр иқтисодий тизим асосидаги ресурстежамкорлик чоратадбирларини амалга ошириш натижасида темирбетон корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклифлар Ўзбекистон Автомобиль йўллари давлат қўмитаси таркибидаги корхоналар фаолиятига жорий этилди ва ишлаб чиқаришдаги материал харажатлари ҳисобидан 4,5 % лик иқтисодий тежамга эришилди.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган темирбетон корхоналарининг циркуляр иқтисодий тизим асосидаги стратегияси такомиллаштирилди (5-расм).

Фикримизча, темирбетон корхона маҳсулотларида циркуляр иқтисодий тизим асосидаги стратегия маҳсулотни ишлаб чиқариш ва эксплуатация жараёнидаги барча босқичларни қамраб олиб, қуйидаги омилларга асосланади:

ТБМ хомашёси таркиби ва сифати;

темирбетон сегменти ўзига хос хусусиятларидан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурияти;

ТБМдан ресурс тежамкорлиги асосида қайта фойдаланишни йўлга қўйишнинг оптимал ва барқарор тизимини яратиш зарурияти ва бошқалар.

Темирбетон корхоналарида тизимли ёндашув асосида ресурс тежамкорлигига эришиш мақсадида муаллиф томонидан циркуляр иқтисодий тизимнинг жорий этилиши асослаб берилди. Бунда циркуляр иқтисодий тизим ғоясининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири товарларнинг ҳаёт даври тугагандан сўнг бошқа товарлар учун ресурс вазифасини ўташини кўзда тутувчи, саноат экотизимларида ёпиқ доирани (closed loop) ҳосил қилувчи, чиқиндиларни минималлаштириб, ишлаб чиқаришнинг барқарор усулларини олға сурувчи концепциядир (6-расм).



6-расм. ТБМ ни ёпиқ цикл (closed loop) асосида қайта ишлаш механизми¹⁵

Шу ўринда, циркуляр иқтисодий тизим асосида ТБМлардан фойдаланишда маҳсулотларнинг бирламчи ҳаёт даври тугагандан сўнг уни иккинчи марта қуйидаги истиқболли мақсадларда қўллаш тавсия этилади:

ТБМ учун йирик ва майда тўлдирувчи сифатида;

асл кўринишидаги блоklar ёки майда блоklar сифатида.

¹⁵ Муаллиф ишланмаси

Қайта ишланган ТБМ дан иккиламчи ресурс кўринишида бирламчи ТБМ учун тўлдирувчилар сифатида фойдаланиш мумкин. Тўлдирувчиларнинг сифати тайёрлаш жараёнига ва саралаб олишга боғлиқ бўлиб, бошқа материаллар билан қўшилиши тўлдирувчининг сифатига таъсир кўрсатади. Тозаланган тўлдирувчи юқори қийматга эга хомашё бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда қўлланилади, бироқ маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида атроф-муҳитга ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатади. Бирламчи хомашё каби тозаланган тўлдирувчи сифати юқори бўлади ҳамда фойдаланиш имкониятлари ҳам таққослаганда деярли бир хил хусусиятларни намоён қилади.

Асл кўринишидаги блоклар ёки майда блоклар сифатида қайта ишланган ТБМ дан йирик тўлдирувчи сифатида йўллар негизи, таянч плиталари ва тротуарлар учун фойдаланиш кенг йўлга қўйиш мумкин.

Бирламчи (табиий) ва қайта ишланган ресурслар асосида ишлаб чиқарилган агрегатлар/ бетон маҳсулотларининг техник хусусиятлари бири-бирига деярли ўхшаш. Асосий катта фарқ сув абсорбциясида кузатилиб, бетонни қайта ишлаш натижасида кукун кўринишидаги қайта ишланган ресурсдан фойдаланишда деярли катта тафовутга эга бўлмаган миқдордаги сув ишлатилади (3-жадвал).

3-жадвал

Табиий ресурслар ва қайта ишланган ресурслар ёрдамида ишлаб чиқарилган тайёр бетон маҳсулотларининг солиштирма хусусиятлари¹⁶

| Хусусиятлар | Ўлчов бирлиги | Табиий агрегат | | Қайта ишланган агрегат | |
|--|-------------------|----------------|--------|------------------------|--------|
| | | 4-8 мм | 8-16мм | 4-8 мм | 8-16мм |
| Бетоннинг солиштирма массаси, ρ | г/см ³ | 2.67 | 2.67 | 2.69 | 2.68 |
| Ҳажмий зичлиги, ρ_a | г/см ³ | 2.64 | 2.64 | 2.53 | 2.59 |
| Куруқ ҳолатдаги ҳажм зичлиги ρ_{rd} | г/см ³ | 2.62 | 2.62 | 2.50 | 2.52 |
| Куруқ ҳолатдаги нам юзали ҳажмий зичлик ρ_{ssd} | г/см ³ | 2.66 | 2.66 | 2.57 | 2.58 |
